EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE
Innovative Academy Research Support Center
UIF = 8.2 | SJIF = 6.051 www.in-academy.uz




# МУСИҚИЙ КОПОЗИЦИОН ТЕНДАНЦИЯЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ЖАРАЁНЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ (ОПЕРА ВА БАЛЕТ МИСОЛИДА)

**Қирғизов Имямин**
Фарғона давлат университети доценти
qirgizovimyamin@gmail.com, 90 230 70 98
https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7970569

**ARTICLE INFO**

Received: 16th May 2023
Accepted: 24th May 2023
Online: 25th May 2023

**KEY WORDS**

*Копозицион тенданция, черков мусиқаси, хор, вокал-чолғу жанрлари, органум, кондуктлар, трубадурлар, труверлар, миннезинг, драматик санъат, опера, мусиқали театр, композитор, оркестр.*

**ABSTRACT**

*Ушбу мақолада мусиқий копозицион тенданциялар, профессионал черков мусиқаси, опера ва балет жанрларининг тарихий илдизлари, Ўзбекистонда ижод қилган рус композиторларининг ўзбек тилида жаҳон муммоз Опера намуналарининг саҳналаштирилиши, опера санъатининг жаҳон миқёсидаги ва Ўзбекитон мусиқаси ривожидаги аҳамияти ҳақида баён этилган.*

**Кириш.** Мусиқий копозицион тенданциялар инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш изчиллигининг акс эттирувчи санъат турида яъни, юнончадан музалар санъати сифатида мазмунан ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи муайян мусиқий бадиий образлардан иборат бўлган ижод фаолият туридир. Мусиқий копозицион тенданциялар инсоннинг кўтаринкилик, шодлик, завкланиш, мушоҳадалик, ғамгинлик, хавф-қўрқув ва бошқаларни ўзида мужассамлаштирадиган кайфиятлар жараёни сифатида шахснинг тарбиявий-руҳий жиҳатдан катъиятлилик, интилувчанлик, ўйчанлик, вазминлик каби иродавий сифатларини тартибга солиш, тузиб чиқиш маҳоратини таркиб топдирадиган

таълимий объектдир.

Мусиқа асарини яратиш ва ижро этиш жараёнида ҳамиша таълимий-тарбиявий ечимни топиш назарда тутилади. Масалан бадиий мазмун, эстетик қоидалар мусиқий асарлари шаклига бадихагўйлик каби композицион хусусиятлар таълимий таъсирини ўтказади. Индивидуал бадиий образларни ифодалашга қаратилган композиторлик санъати эса кўпроқ айнан мусиқий ривожланиш қоидаларига, яъни тугалланган, яхлит ва барқарор тенденцион майл ҳамда қизиқишларни тарбиялайди.

Шунигдек ҳиссиётга тўлган нутқ оханги (Г.Спенсер), қушларнинг сайраши ва ҳайвонларнинг ўз жуфтларини чақириши (Ч.Дарвин), (К.Бюхер) ибтидоий одамларнинг меҳнат усуллари ва уларнинг чақириқ товушлари, (Ж.Комбаре) жоду-сеҳрлаш илк манбалар кўринишида бўлғуси мусиқа ўқитувчисида мусиқанинг тарихий

илдизларидан дидактик сабоқ оладилар. Шу маънода Шарқ мутафаккирлари мусиқанинг вужудга келиш муаммоси Абу Наср Форобий инсон нутқининг шаклланиш жараёни ва ҳиссиётлари билан бевосита боғлиқлиги, Ибн Халдун ижтимоий тизимларнинг шаклланиш конуниятларига асосланганлиги ҳақидаги илмий хулосалардан воқиф бўладилар.

Професcионал черков мусиқаси, бир овозли григориан хорали, кейинчалик кўп овозли хор ва вокал-чолғу жанрлари - органум, кондуктлар сингари композицион тизим, Францияда дунёвий мусиқа-трубадурлар, труверлар, миннезингерлар санъати ҳамда халқ мусиқаси, ривож топганлиги, Биби Марям ибодатхонасида биринчи композиторлик мактаби 12-асрда Франсияда ташкил топганлиги, Франция ва Италияда “Аренова” 14-асрда услуби юзага келганганлиги. тўрт чизиқли нота ёзуви товуш баландлиги ва нағмалар уйғунлигини аниқ қайд этилиши, Гвидо д Аретссо ихтиро этган мактаблар бўлажак мусиқа ўқитувчиларида муайян тенденцион ҳаракатни бажаришга интилиш ҳақида тасаввур ва шу йўлдаги кечинмаларни юзага чиқаришга мойиллик бахш этади.

Мусиқали драматик санъат жанри ўзида бир нечта турларини уйғунлаштириб, саҳнавий жараёнда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат ва рақс санъати шакллари яхлит узвий боғланиб, улар орасида етакчи ўринни мусиқа эгаллайди. Либретто операнинг адабий асоси бўлиб, воқеалар мусиқий драматургия воситалари билан, вокал мусиқа шаклларини мужассам этади. Ҳиссий кечинмалар тугал мусиқа талқинида ўз ифодасини топади.

Опера жанри Ўзбекистонга ўзбек мусиқали драмасининг ривожи асосида ва чет эл мумтоз операсининг таъсирида кириб келди. Тошкентга грузин - 1894, 1907-1915 йиларда - итальян, татар, рус, озарбайжон опера труппалари гастролга келишлари таъсирида 1918 йилдан Тошкентда Рус опера театри ўз фаолия ватини бошлагач 1929 йили М.Қориёқубов ташаббуси билан ўзбек мусиқали театри ўз фаолиятини давом эттирди. Репертуари асосан, мусиқали драмалардан иборат бўлиб, мазкур театр саҳнасида «Эр Тарғин» (Е.Брусиловский, 1937) ва «Наргиз» (М. Магомаев, 1938) нинг ўзбек тилида қўйилган биринчи опералари ўзбек томошинбаларида композицион тенденцияалр жараёнига асос солинди

Ўзбекистонда ижод қилган рус композиторларининг маҳаллий мавзудаги (Р.Глиэр, Т.Содиков, «Лайли ва Мажнун», 1940; «Гулсара», 1949; А.Козловский, «Улуғбек», 1942) ўзбек тилида жаҳон мумтоз Опера намуналарининг (Ж. Бизенинг «Кармен», 1944; П.Чайковскийнинг «Евгений Онегин» 1947 йил ва бошқалар) саҳналаштирилши кейинчалик ўзбек композиторларининг афсонавий-романтик, тарихий, лирик, замонавий мавзулардаги мустақил опералари орқали композицион тенденциялар. Ўзбек болалар опералари:«Дилором», «Шоир калби» (М.Ашрафий), «Хамза» (С.Бобоев), «Хоразм қўшиғи» (М.Юсупов) биринчи ўзбек ҳажвий операси «Майсаранинг иши» (С.Юдаков), бир нечта чет мамлакатлар театрларида намойиш қилиниб, Ўзбек композиторлари 1970-80 йиллари «Мангулик» (У.Мусаев), «Фидойилар» (С.Бобоев), замонавий - «Садоқат» (Р.Абдуллаев), атоқли шахсларга бағишланган - «Суғд элининг қоплони» (И.Акбаров), «Зебуннисо» (Сайфи Жалил), «Алишер Навоий» (М.Бурҳонов), шунингдек, камер опералар – «Соҳилда тўқнашув»

(Н.Зокиров), «Она қалби» (Ҳ.Раҳимов) ва бошқалар саҳналаштирилди ва опера композицион тенденциялар ортиб борди.

Шу давр ичида тарихий ўзбек опера ларида жанр талқини, мавзу ва мазмун доираси янада кенгайтирилиб, жаҳон мумтоз адабиёти асосидаги Н.Зокировнинг Шекспир трагедиялари асосида яратилган «Ҳамлет» ва «Макбет» опера-дилогияси, ҳозирги замон ижтимоий муаммолари Н.Зокировнинг «Мухторият» операрси, О.Абдуллаеванинг «Вафо», Ф.Яновскийнинг «Оркестр» операси, тарихий шахслар сиймолари М.Бафоевнинг «Ал-Фарғоний», фалсафий мавзулар (И.Акром Акбаровнинг «Ибтидо хатоси» ораторияси опера жанридаги композицион тенденцияларининг кейинги ривожини белгилади. Бу даврда ўзбек композиторлари мазмунни талқин қилишда асосий урғу миллий ҳамда умумбашарий маънавий кадриятларни уйғунлаштиришга, мураккаб вазият ва психологик ҳолатларни чуқур ифода этишга қаратиб, опера асарларида ўзбек халқ мусиқа мероси ва миллий ижрочилик анъаналарини замонавий ифода ва техник воситалар билан композицион узвийликни ифода этишга эришдилар.

Бу борада «Опера ва балет санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 27-декабрдаги ПҚ-64-сон қарори ҳозирги кунда ҳақиқий маънодаги янги давр кишиларини мамлакатимиз тараққиётини, халқимизни янада жипслаштирувчи, эл-юртимизни юракдан севган, унинг тақдирини ўз тақдири деб билган фидойи инсонларни таъминлай оладиган, Ватанга юксак муҳаббат туйғуларни шакллантиришга қаратилган уйғунлашув хоҳиши бошланганлиги билан аҳамиятлидир. Шу маънода, афсоналарга айланиб кетган Широқ, Тўмарис, Спитамен каби шахслар юртимизни ҳимоя қилиш, уни душмандан кўз қорачиғидек асраш учун бор куч ва имкониятини сафарбар этган, бу йўлда молию жонини, шаънини-шавкатини, ҳаёти ва ўзлигини аямаган қаҳрамонлар образини ўз иделига айлантирувчи авлодлар сафини кенгайтиришга қаратилган муҳим ҳужжатдир.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, бугунги кунда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишнинг бирдан-бир йўли замонавий илмларни эгаллаш жараёнида бўлажак мусиқа ўқитувчиларида копозицион тенданцияларнинг жаҳон, европа мамлакатлари, Ўзбекистон диёрида опера ва балет мусиқасиинг тарихий жараёнлари воситасида навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама билимли, ҳур фикрли, Ватанни кўз қорачиғидек асрайдиган, унинг маънавий истиқболи учун борини бахш этадиган янги авлод вакилларини тарбиялаш олий мақсаддир.

## References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йилнинг 27-декабрида "Опера ва балет санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-64-сонли қарори;
2. Пеккер Я., Ўзбекская опера, М., 1984; Муродова Д., Мустақиллик даври Ўзбекистон композиторлик ижодиёти тўғрисида, - Мусика ижодиёти масалалари, Т., 2002.
3. Имямин Қирғизов, Имомова Одинахон //ЁШ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ –АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК РАҲИМАХОНИМ МАЗОХИДОВА ТИМСОЛИДА

САНЪАТКОР ХОТИРАСИ// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL VOLUME 1 ISSUE 7. October 2022. 108-117 pages.

4. Imyamin Qirg'izov //O'ZBEK MUSIQA SAN'ATI RIVOJINING ASOSIY OMILLARI// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 331-336 pages.

5. Imyamin Kirgizov, Kirgizov Iqboljon Imyaminovich, Ahmadjon Nurmuhammedjanov, Sobirov Bahodirjon Sotvoldievich, Najmetdinova Mavludakhon Mamasodikovna, Ataboeva Shoxidakhon Juraevna //"The Pleasure of Singing, Listening and Understanding Navoi"// Annals of the Romanian Society for Cell Biology., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 3, 2021, Pages. 2410-2413.

6. Imyamin Kirgizov, Iqbol Kirgizov, Mavluda Najmetdinova, Shohida Atabayeva. (2022). THE GENESIS OF THE DEVELOPMENT OF MUSIC CULTURE. *Archive of Conferences*, 57-60.

7. Sultonali Mannopov, Mavluda Najmetdinova, Shokhida Ataboeva, Iroda Nazarova, Jamoldin Mo'ydinov //Analysis of Research on Aesthetic Features of Uzbek Folk Music// Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI). Volume 12, Issue 10, October 2021. 3528-3533 pages.

8. Ulugbek Rahmonov Karimovich, Najmetdinova Mavluda Mamasodikovna, Ergashev Alijon Abdullaevich //The Role and Importance of Music Clubs in The Leisure of Young People// Journal of Pedagogical Inventions and Practices. 22-11-2021. 47-49 pages.

9. Sultonali Mannopov, Abdulhay Karimov, Abdusalom Soliev, Ulugbek Isakov, Tokhir Shokirov, Rustam Orziboev //Development of Uzbek National Singing Art during Independence// Annals of R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue 4, 2021, Pages. 6845–6853.

10. Нажметдинова Мавлуда Мамасодиқовна //ОММАВИЙ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ОМИЛЛАРИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 584-588 pages.

11. Mavluda NAJMETDINOVA //Общественно-культурные мероприятия теоретические основы// Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations. Issue 02(2022). 473-479 стр.

12. Мавлуда Нажметдинова //Оммавий-маданий тадбирларнинг назарий асослари// Общество и инновации. 02(2022). 473-479 стр.

13. Najmetdinova Mavluda Mamasodiqovna //SPECIFIC FEATURES OF PUBLIC-CULTURAL EVENTS// International Scientific Journal "Science and Innovation". Series 1. Volume 1. Issue 1. 892-902 pages.

14. Mavludaxon Najmetdinova //YOSHLARNING ESTETIK TARBIYASINI SHAKLLANTIRISHDA – AJDODLAR MEROSINING TUTGAN O'RNI// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. VOLUME 1. ISSUE 6. 990-993 pages.

15. Шокиров Тохиржон Нурмаматович //МИЛЛИЙ МУСИҚА МАДАНИЯТИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (фольклор, достончилик, мақом мисолида)// SCIENCE AND INNOVATION INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL. № 3, 2022. 31-38 pages.

16. Шокиров Тоҳиржон Нурмаматович //АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ МУСИҚА ИЛМИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ// Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. VOLUME 2 | ISSUE 10/2. October 2022. 353-359 pages.

17. Takhirjon N. Shakirov //SUCCESSION IS THE MAIN PRINCIPLE OF DEVELOPMENT OF NATIONAL MUSIC CULTURE// Oriental Journal of Social Sciences. 08.11.22. Pages: 1-10.